Мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фермерлик ҳаракатидаги устувор аҳамият бераётганимиз беҳиз эмас, албатта. Келгусида фермер кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий хўжалик субъектига айланиши лозим.

Бу муҳим вазафа 2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш Концепциясида, шунингдек, зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш бўйича қабул қилинган аниқ дастурда ўз ифодасини топганини барчангиз яхши биласиз.

Ушбу стратегик масалани ҳал этиш юзасидан бошланган ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, мен бир қатор жиддий мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

**Биринчидан**, биз жуда муҳим эътибор қаратишимиз зарур бўлган масала — бу шартнома интизомининг ўта қоникарсиз аҳоли билан боғлиқ. Бу тўғрида қўллаб мисолларни олиб келиш кийин эмас.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида фермерларнинг ҳуқуқлари камситилаётгани, тайёрлов ташкилотларининг етказиб берилган маҳсулот учун фермерлар билан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини қўпол равишда бузаётгани, таъминотчилар шартномада кўрсатилган ҳажмларда фермерларга минерал ўғитлар ва ёқилги-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бераётгани тўғрисида аниқ фактларни истаганча топиш мумкин.

Қатор туманларда фермер хўжалиқларига янги ҳосил ҳисобидан аванс тариқасида тўғридан-тўғри кредитлар бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Бирок, бу борада ҳозирнинг ўзида анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Кредит олишда гаровга қўйиш механизми охиригача пухта ишлаб чиқилмаган. Кўп ҳолларда фермерлар мансабдор шахсларнинг лоқайдлигига, бюрократик тўсиқлар ва таъмагирлик ҳолатларига дуч келмоқда.

Адлия вазирлиги бу масалани алоҳида назорат олишига ва айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чораларни кўриши даркор. Буларнинг ҳаммаси хизмат вазифининг бажаришдаги лоқайдлик деб эмас, балки фермерлик таясига путур етказиш ва уни обрўсизлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар, деб баҳолашни керак.

**Иккинчидан** — фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш борасида шакланган тизим ҳам жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Агар ёдингизда бўлса, дастлабки фермер хўжалиқлари кўпроқ чорвачилик соҳасида ташкил этилган эди.

Шундай савол туғилади: хўш, бугун нима учун чорва молларининг бош сони ва етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг атиги икки фоизи фермер хўжалиқлари улushiга тўғри келмоқда?

Бунинг асосий сабаби шундаки, халигача ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг самарали тизими яратилмаган.

Биз бунинг оқибатида қанчадан-қанча зарар қўриётганимизни биронта одам ҳисоб-китоб қилганим ўзи?

Бу муаммо фақатгина фермер хўжалиқларига тегишли эмас.

Бугунги кунда сут, гўшт ва туҳум, мева-сабзавот, картошка каби маҳсулотларнинг асосий қисмини етиштираётган деҳқон хўжалиқлари ҳам бундан азийат чекмоқда. Ўз маҳсулотини сотиш муаммосига хусусий мулкка айлантирилган паррандачилик ва балиқчилик хўжалиқлари ҳам дуч келмоқда.

Халигача кишлоқда, бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нарх-

ларда сотиб оладиган, иккинчи томондан, кишлоқ аҳлига зарур товарлар, асбоб — ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган.

Бу масалани ҳал этишда Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасининг роли умуман сезилмаяпти. Айтиш керак, маскур уюшманиннг фаолияти бўйича жиддий эътирозлар бор — у асосан расмиятчилик билан банд, кимнинг қандай манфаатларини ҳимоя қилаётгани ҳам аниқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасига, шахсан Бош вазирга барча манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда, қисқа муддатда бу масалалар бўйича мавжуд аҳолини батафсил ўрганиб чиқиш ва уни тубдан яхшилашга доир аниқ таклифлар киритиш вазифини топиришимиз.

**Учинчидан** — очик айтиш керакки, бугун фермер бўлишни истайдиган одамлар жуда кўп. Аммо, ҳар ким ҳам ҳақиқий фермер бўлолмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳозирги кунда, фермер деганда, биз қандай одамни кўз олдимизга келтирармиз?

Фермер дегани — бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон. **Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ хунар ҳам оз.**

У бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизаторлик ва механиклик ҳам қилади, талбелчи ва иқтисодчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазибаларини ҳам бажаради. Шу билан бирга, у ўз маҳсулотини сотиш масалалари билан шуғулланиши лозим.

Кўриб турганимиздек, амалда фермердан зарур қўниқма ва билимга эга бўлишни талаб қилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

Шу сабабли фермер бўлишни истайдиган одамлар ўртасида танлов ўтказиш, уларга ер ажратишда, янги фермер хўжалиқларини рўйхатга олишда бу ишининг ҳамма томонларини ҳисобга олиб, ўта масъулият билан ёндашиш даркор.

Шу билан бир қаторда, фермерларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш бўйича бизнес мактаблар тармоғини кенгайтириш зарур.

Мен ҳоқимлар ва бу соҳага алоқадор бўлган барча раҳбарларни оғолантириб қўймоқчиман — фермер хўжалиқларини шакллантириш масаласига жиддий қараш, масъулият ва катта меҳнат талаб қилдиган бу ишни кампаниябозликка айлантириб юбормаслик керак.

Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, кишлоқ хўжалигига тегишли яна бир касалликка эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ўз вақтида қўлиб айтадиган бўлсак, бу кўзбўямачилик.

Имқон қадар ҳақиқий аҳолини кўрмаслик, кўрса ҳам тан олмаслик, вазиятни юмшатиб, безатиб кўрсатиш, оғир масала ва муаммолардан ўзини узоқ олиб юриш ҳолатлари, минг афсуски, жойларда кўпгина ҳоқим ва амалдорларимиз фаолиятида одат бўлиб қолган.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, улар ҳар йили мавсум бошлангани билан йўл қўйилган қўпол хато ва ўзбошимчилик, бепарволик, оғир оқибатларга олиб келадиган нуқсонларни яшириб, мавсум якунлаштириш билан, аввало, ҳар хил табиий ва иқлим инжиқчилигини, ўз вақтида кимдир маблағ, кредит, ёқилги, ўғит ажратмагани, кўмак бермагани ва шунга ўхшаган сабабларни никоҳ қилиб олади.

Бундай ҳолатлар нафақат ҳосил етиштиришда, қурилиш, ижтимоий муаммолар, ободончилик масалалари, аҳолиимизнинг кўпгина дарду ташвишларини енчишда ҳам яққол сезилиб туради.

Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгашининг охириги сессиясида бундай номаъқул ҳолатлар ҳақида батафсил гаплашиб, муҳокама қилиб олдик.

Ўйлайманки, раҳбар курсидада ўтирган ақли, инсофи бор, ор-номусли одамлар бундай гаплардан тўғри хулоса чиқариб олади. Ўтган йили бошланган ва 2004 йилда мантқиқий якунига етказишимиз лозим бўлган **энг муҳим йўналишлардан яна бири — маъмурий ислохотни амалга ошириш иборат.**

Ҳабарингиз бор, бу ислохотнинг асо-

сий мақсад ва маъно-мазмунини белгилаб берадиган қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ислохот доирасида бошқарув аппаратидаги ходимлар сони 40 минг штат бирлигига ёки 22 фоизга қисқартирилмоқда. Ва бу ишни албатта охирига етказишимиз даркор.

Маъмурий ислохот бўйича республика комиссияси (Азимов) барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳоқимликлар билан биргаликда бу ишни пухта ташкил этиши ва биринчи чорак якунлари бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот бериши лозим.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, айрим вазирликлар, идора ва ҳудудларда маъмурий ислохотни, бошқарувиинг мазмун — моҳиятини ўзгартирмадан, фақатгина ходимлар сонини шунчаки қисқартиришдан иборат, деб юзакчи қабул қилмоқдалар.

Биринчи навбатда турли даражадаги бошқарув тузилмалари эски маъмурий-бўйруқбозлик, тақсимлаш тизимига хос, ўз умрини ўтаб бўлган

Ўз-ўзидан аёнки, агар бу вазибалар бўлмаса, уларни бажарадиган амалдорларга ҳам ҳожат қолмайди. Бундай амалдорларнинг ўзи ҳам эндиликда уларнинг даври ўтганини, бугун бошқарувиинг янги ёндашувлари, услуб ва воситалари талаб этилаётганини тушуниб етгади.

Бундан буён тепадан туриб дўқ-ўйлиса қилиш, маъмурий таъйик ўтказиш ва ўзбошимчилик билан қарорлар қабул қилиш, давлат ресурсларини кимга ҳоқласам, шунга бераман қабилда иш олиб бориш ҳуқуқи ўрнини замонавий бозор механизми, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш омиллари оғаллаши даркор.

Маъмурий ислохотни амалга оширишнинг энг муҳим вазифини — бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган, моддий ресурсларни турли қватлар, лимит ва кўрсатмалар асосида марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам беришдир.

Ҳозирги кунда бу борада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Тармоқлар бўйича ҳам, ҳудудлар бўйича ҳам бошқарув тизимининг қўллаб ортиқча бўғинлари тугатилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган статистик ҳисоботлар сони кескин қисқартирилди. Бу кўрсаткич кишлоқ хўжалигида 63 фоизни, саноатда эса ўртача 33 фоизни ташкил этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қуни кеча қабул қилинган қарорига биноан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим товарларни истисно қилганда, ҳар хил қватлар, лимитлар асосида товар ва моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ўзи тўлиқ бекор қилинади.

Бу қоида, жумладан, пахта толаси, ёқилги ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи, ун, шакар каби ўта муҳим ва харидоригр товарларга нисбатан ҳам жорий этилади.

Буларнинг барчаси бозор тамойилларига тўлиқ мос равишда, товар-хомашё биржалари, кимосиди савдолари, ямарашка ва бошқа тузилмалар орқали амалга оширилади.

Бу эса, ўз навбатида, товар-хомашё биржалари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқишни талаб етгади. Ҳеч кимга сўй эмаски, бугунги кунда муайян хомашё ресурсларини биржадан кўра очик бозордан сотиб олиш осон ва арзонга тушади.

Одамда шундай таассурот туғиладики, на Давлат мулки кўмитаси, на товар-хомашё биржаларининг раҳбар ва ходимлари биржалар фаолияти самарадорлигини оширишдан, бошқача айтганда, ўзларининг меҳнат натижасидан манфаатдор эмасга ўхшайди.

Шунинг оқибатида бу биржалар олдидоти ишларини фақат расмиятчилик учун амалга оширадиган, хўжакурсинга ишлайдиган идораларга айланиб қолмоқда.

Айнан шу сабабдан товар-хомашё биржаларида товарларнинг айланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Масалан, 2003 йилда бу кўрсаткич бир-мунча қисқарди, 450 миллиард сўмини ёки жами улгуржи товар айланимасининг 18

фоизини ташкил етди, ҳолос.

Ишлаб қариши ва техник мақсадларда қўлланадиган маҳсулотларнинг товарлар айланимасидаги улushi 10 фоиздан ошмайди.

Биржа ходимларининг профессионал малакаси пастлиги, бу ҳол айниқса минтақаларда талаб даражасида эмаслигини афсус билан қайд этиш лозим.

Товар биржаларининг бундай қоникарсиз фаолияти турли олибсотар чаконлар учун қўл келмоқда, товарларнинг биржадан ташқарида хуфёна айланиши, нархларнинг сунъий равишда қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бозор вазири (Мирзиёев), Умуиктисодиёт комплекси (Азимов) барча манфаатдор тузилмалар билан биргаликда биржа савдосидаги ишларнинг аҳолини атрофлича, синчиклаб кўриб чиксин ва товар-хомашё биржалари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган аниқ таклифлар киритилди.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

**Иқтисодий туб ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз**, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг шакланган тузилмаси бозор мезонларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олишимиз зарур.

Бу борада бизда ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжуд. Буни айниқса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожининг орқада қолаётганида кўришимиз мумкин.

Ўзингиз таққослаб кўринг, хизмат кўрсатиш соҳасининг улushi тараққий топган мамлакатларнинг ялли ички маҳсулоти таркибида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фоизга, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич улардан деярли икки баробар кам бўлиб, 40 фоизни ташкил етгади.

Эътиборингизни ушбу масаланинг яна бир жиҳатида қаратмоқчиман. Илгор мамлакатлар таърибаси шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш тармоғи иқтисодиётнинг энг тез ривожланадиган соҳаси бўлиб, айнан шу соҳа ортиқча ишчи кўчларининг катта қисмини ўзига жалб еттиши мумкин.

Ҳақон иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилади. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил етгади. Бизда бу рақам ҳозирча 35-40 фоиздан ошгани йўқ. Бу масалада биз сезиларли даражада орқада қолмоқдамиз.

Шу ўринда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси шаҳардагига нисбатан кишлоқ жойларида ички баравар паст эканини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг оқсоқ бўлиб турганини кўйидаги мисолдан ҳам билса бўлади. Бугунги кунда аҳоли харажатларининг катта қисми истеъмол товарларига тўғри келади.

Хизматлар учун эса бу харажатларнинг бор-йўғи 12 фоизга сарфланмоқда. Ҳол-буки, Америка Қўшма Штатлари ва Япония давлатларида оила бюджетиде бу кўрсаткич қарий 60 фоизни, Франция, Буюк Британия ва Германияда эса 50 фоизни ташкил етгади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, хорижий мамлакатлар таърибаси ҳам шундан далолат беради, хизмат кўрсатиш соҳасида хотин-қизлар, аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатлами — ногиронлар, пенсионерлар, етарли иш таърибасига эга бўлмаган ёшлар меҳнати кенг қўлланади.

Бу, аввало, иш жадвалининг қулайлиги, иш кунининг тўлиқ эмаслиги, мавсумийлиги, касаначилик имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Бизда сартарошлик, кийим-кечак, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, савдо, умумий оқватланиш каби аънавий хизмат кўрсатиш турлари билан бир қаторда бу борадаги янги, истикболли йўналишлар — мисол учун, туризм, меҳмонхона хўжалиги, уй-жой қуриш ҳамда таъмирлаш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун беқеъс имкониятлар бор.

Сўнгги йилларда хонадонларимизда му-

раккаб маиший техника, компьютер, шахсий транспорт воситалари кўпайиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида уларга малакали хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш учун шароит яратади.

Таълим ва маданият соҳасида, диагностика ва даволаш, жисмоний тарбия, дам олишни ташкил этиш борасида ҳам фаолият юритиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Айтиш керакки, банк-молия соҳаси, сурғурта ва лизинг фаолиятининг маслаҳат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича бозори ҳам эндигина шакланмоқда.

Энг муҳими, иқтисодиётнинг ушбу тармоғи ўзининг ривожланиши учун катта капитал маблағ талаб етмайди ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ниҳоятда мақбул ва қулайдир.

Вазирлар Маҳкамасининг Умуиктисодиёт комплексида икки ой муддатда Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари билан биргаликда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бўйича дастур тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш вазифини топиришимиз.

Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазибалардан яна бири — **бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир.**

Сўнгги пайтда бу йўналишда ўта муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди.

Хусусий қорхона тўғрисидаги қоидалар қонун нуқтаи назаридан мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгилади ва содда-лаштирилди.

Ҳозирги вақтда бу ишни битта идорада, таъбир жоиз бўлса, «битта дарича»нинг ўзида тўла амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бунда тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш билан бир вақтнинг ўзида унинг муҳандислик тармоқларига уланшишга рухсат берувчи ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилади, солиқ ва статистика органларида ҳисобдан ўтиш масаласи ҳам ҳал этилади.

Бугунги кунда рўйхатга олиш ва расмийлаштириш жараёни етти кундан бир ойгача бўлган муддат ичида бажарилиши шарт.

Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес қорхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ялли ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу қорхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоизга тенг эди.

Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингга янги иш ўрни ташкил этилди.

Биз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани енчишни кўзда тутаемиз.

**Биринчи масала** — яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялли ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш.

**Иккинчи масала** — бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим.

Доимий диққат марказимизда туриши керак бўлган **учинчи масала** — мамлакатимиздаги сийсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни пойдевори бўлиши кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат.

Хурматли дўстлар! Шунинг оқибатида олишимиз керакки, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг моддий базаси бизни мулталоқ қониктиради.

Ҳозирги кунда мактабларда 6 миллион 200 минг нафар фарзандларимиз таълим

олмоқда.

Мавжуд 9 минг 700 та умумтаълим мактабининг ҳар учтадан биттаси ўқув стандартлари талабларига жавоб берадиган молаштирилган биноларда жойлашгани, 88 та мактаб эса айниқса ночор ҳолатда экани барчамизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Айрим мактабларда болалар икки, ҳатто уч сменада ўқимоқда. Ҳозирги пайтда мактабларнинг ярмидан кўпи компьютерлар билан жиҳозланган ва фақат 141 та мактаб Интернет тизимига уланган.

Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Буни ўқитувчиларнинг 30 фоиздан ортиғи олий маълумотга эга эмаслиги ҳам кўрсатиб турибди.

Қатор фанлар, айниқса, чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш масаласи ҳам жиддий эътибор қаратишни талаб етгади.

Барчамиз шуни ёдда тутишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги турдаги ўқув масканлари бўлмиш лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келишлари зарур.

Мен мактаблар масаласи ҳақида илгаридан ҳам кўп гапирганман. Бу муаммонинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун нақадар муҳимлигини инобатга олиб, бу борада кескин чоралар кўриш вақти етди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги биринчи чорак якунлари бўйича йиғилишида умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайман.

Бу масала бўйича 2004-2008 йилларга мўлжалланган махсус дастур тайёрлаш ва уни бажариш учун тегишли имкониятларни кўриб топши лозим.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳоқим ташкилотлар, бу муҳим вазибаларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур аниқлайдиган барча инсонларнинг қуч ва имкониятларини жалб етишимиз даркор.

Қадрли дўстлар! 2004 йил юртимизда Меҳр ва муруват йили деб эълон қилинганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу борада Ҳукуматимиз томонидан йил давомида амалга ошириладиган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ишларнинг комплекс дастури қабул қилинди.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳоқимликлари, ваз

# «ОЛИМПИАДА — 2004»ГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИДА УШБУ МАСАЛА БЎЙИЧА СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

Тақил республикамизга ёзги олимпиада ўйинларининг биринчи олтин медалини олиб берди... Спортнинг 13 тури бўйича иштирок этган 77 нафар вақилимиз умумжамоа ҳисобида 41-ўринга кўтарилишди. Бу гал медалларимиз сони ва салмоғи анча ошган эди. Бир олтин, бир кумуш ва икки бронза медали Осиё мамлакатлари орасида 7-ўринни эгаллашимизни таъминлади. 12 спортчимиз дунёнинг кучли олтиликка киришга муваффақ бўлди. (Атланта олимпиадасида 6 нафар спортчи

бу кўрсаткичга эришган). Табиийки, навбатдаги олимпиада ўйинларида ҳам Ўзбекистон вақилларидан умиди катта. Шу боис бугун спортчиларимизнинг тайёргарликларига катта аҳамият берилаяпти. Бу борада Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорликда махсус режа ишлаб чиққан. Унга кўра, спортчиларнинг машғулотлари, моддий таъминоти, дам олиши ва антидопинг назорати доимий кузатувда бўлади. Яқин кунларда ҳамкорларимизнинг Грециядаги турак жойи ҳам

аниқ бўлади. Шунингдек, спортчилар, журналистлар аккредитациясига ҳам киришилди. Спортчиларнинг допинг қабул қилиши бугунги дунё спортининг энг катта муаммоларидан биридир. Хозирча юртимизда антидопинг маркази мавжуд эмаслиги боис спортчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиши талаб этилади. Мавжуд қоидага кўра, мусобақаларда совринли ўринлар соҳиблари антидопинг назоратидан ўтиши таъкидлаб ўтилди. Семинар-кенгашда иштирок этган спортчилар, мураббийлар ва федерациялар котиблари ушбу масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. **Анвар САМАДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### МАҲМАДОНАДАН МАСЛАҲАТ КУТМА

Маҳмадона — ҳеч нимани билмайдиган, нодон, калтабин, аммо ўзини билагон ҳисоблаб, ҳар бир гапга биларбилмас аралашаверадиган, ўз гапини маъқуллайверадиган одам. Бундай одамдан ақлли гап чиқмаслигини, ундан маслаҳат сўраш бефойда эканлигини уқтирувчи юқоридаги мақоланинг бир неча вариантлари бор: «Ҳўқиздан сут чиқмас, аҳмоқдан — ўғит»; «Нодондан ақл кутма, бебурдан — номус»; «Аҳмоқ бошдан ақл чиқмас, ақл чиқса ҳам маъқул чиқмас»; «Маслаҳат сўрасанг, марддан сўра».

### МЕВА ЎСТИРМОҚ ОСОН, МЕВАСИНИ САҚЛАМОҚ ҚИЙИН

Бу билан мажозан: «Ўғил-қиз топиш осондек кўринса ҳам, уларни парварши қилиб, вояга етказмоқ, замон хаводисларидан, ёмонлар ва ёмонликлардан муҳофаза қилмоқ қийин. Бу йўлда ота-она озмунча қийинчиликларга дуч келиб, озмунча азоб-уқубат чекмайди. Бошқа бир мақолда «Ўғил-қизнинг совдаси, кетга тегди новдаси» дейилишининг боиси ҳам ана шунда», демоқчи бўладилар.



### «АЛАНИЯ»ДА УЙНАЙДИГАН БЎЛДИ

Германиянинг «Бавария» клуби дарвозабони Свен Шойер «Алания» жамоасига ўтди. 33 ёшли футболчи «Алания» жамоасининг Бирлашган Араб Амирлигидаги мавсумида учрашувларида иштирок этмоқда. Қизғи шундаки, дарвозабон «Бавария» таркибида 13 мавсум мобайнида захирадаги курсида ўтирган. Бу орада жамоа 3 марта чемпион бўлиб, мамлакат ва УЕФА кубокларини кўлга киритган муваффақ бўлган. Шунингдек, 23 ёшли ярим ҳимоячи Дмитрий Смирнов ҳам «Алания»да уйнашга қарор қилди. Владикавказнинг «Алания» клуби ана шу тарихда ўз таркибини мустақамламоқда.

### МАВҚЕНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Роман Абрамовичнинг «Челси» клуби Англия чемпионатининг 24 турида галаба қозониб, пешқадамлар сафидаги мавқени сақлади. «Челси» бу сафар «Чарльтон» клуби билан куч синашди. Икки ҳафта олдин эса Роман Абрамович мазкур клубнинг моҳир ярим ҳимоячиси Скот Паркер билан келишиб, уни 10 миллион фунт стерлингга «соғиб» олганди. Учрашув пайтида Паркер келишувга биноан майдонга тушмай, томошабин сифатида ўтирди.

## «МИРОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил якунлари бўйича жамият акциядорларининг навбатдаги умумий мажлиси 2004 йил 12 март соат 15.00 да жамият маъмурияти биносининг мажлислар залыда бўлиб ўтди. Акциядорларнинг рўйхатга олиш шу кунга соат 14.00 да бошланади. **МАЖЛИС КҮН ТАРТИБИ:** 1. «Миробод деҳқон бозори» ОАЖнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи. 2. Жамият директорининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи. 3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳўласасини тасдиқлаш. 4. 2003 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

5. 2003 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш. 6. 2003 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш. 7. 2004 йилги иш режаси (Бизнес план)ни тасдиқлаш. 8. 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш. 9. 2004 йил фаолияти учун Аудиторинг тасдиқлаш. 10. Жамият Кузатув кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш. 11. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида. 12. Тафтиш комиссиясини таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида. 13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш.

### Жамиятнинг 2003 йилдаги баланс кўрсаткичлари

|                                      | Актив     | Пассив                     | Милл сўм  |
|--------------------------------------|-----------|----------------------------|-----------|
| Бошланғич қўйимат                    | 2711170,8 | Устав фонди                | 40746,5   |
| Эскириш                              | 88388,9   | Резерв капиталли           | 2017504,0 |
| Қарам ҳўжалик жамиятлардаги акциялар | 45,0      | Тақсимланмаган фойда       | 10688,1   |
| Иш.чиқ. захиралари                   | 5252,8    | Мақсадли молиялаш ва тушум | 750533,9  |
| Олиб сотилмаган товарлар             | 19627,7   | Кредиторлар                | 20955,7   |
| Келгуси давр сарфлари                | 148017,5  |                            |           |
| Пул маблағлари                       | 22665,8   |                            |           |
| Қўсқа мулк. молиявий қўйималар       | 2600,0    |                            |           |
| Дебиторлар                           | 19437,5   |                            |           |
| Жами активлар                        | 2840428,2 | Жами пассивлар             | 2840428,2 |

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

## «УНИВЕРСИАДА — 2004»

# САМАРҚАНД ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА, ГЎЗАЛЛАШМОҚДА...

Спорт

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч боқсичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ёшларни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда дунё кўрмаган янги тажриба бўлди. Бу тизимнинг муҳим жиҳати, ҳар бир ўғил-қиз мактаб остонасига қадам қўйгандан то олий ўқув юртини тамомлагунча соғлом турмуш тарзи билан яшайди. Республика олий ўқув юрлари талабаларининг аънаванай «Универсиада» си мазкур мусобақаларнинг энг нуфузлисидир. 2000 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Универсиада» баҳслари кўплаб иқтидорли спортчиларни ҳам кашф этди.

Навбатдаги «Универсиада» мусобақалари Самарқандда ўтиши маълум бўлган кундан бошлаб бу ерда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Негаки, Наманган ва Бухорода ўтган «Универсиада» дан сўнг нафақат талабаларнинг, балки бутун халқимизнинг бу мусобақаларга қизиқиши, эътибори янада ортди. Бу мезонлар учун катта масъулият юклайди.

Аввалги «Универсиада»ларда спортнинг 12 тури бўйича беллашилган бўлса, эндиликда мусобақалар 15 тур бўйича ўтказилади. Баҳсларнинг уч турга кўпайиши, демек талабалар сонининг ортисини кўрсатади. Бу табиийки, мусобақаларга янада пухта тайёргарлик кўриши тақозо этади. Бугунги кунда вилоятимизда ана шу спорт байрами муносабати билан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, стадионлар, кортлар барпо этилмоқда. Мавжудлари қайта таъмирланмоқда.

Меҳмонларга маданий-маиший шароитларни яратишга ҳам катта эътибор берилаяпти. Бундан ташқари, меҳмонларда қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишиш, муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиш имконияти ҳам бўлади.

Уч мингдан ортиқ талаба-спортчиларга қўчоғини очаетган бу галги «Универсиада»да ҳам янги номлар кашф этилишига ишонамиз. Негаки, барча жамоалар мусобақаларга кучли тайёргарлик билан ташриф буюришади. Шу боис, кескин ва муросасиз ўтиши кўтилаётган баҳсларда ғолиб бўлиш осон кечмайди. Ўз уйингда деворлар ҳам кўллайди, деганларидек, самарқандликлар биринчи ўринни эгаллаш учун аллақачон машғулотлари бошлаб юборишган. Мусобақаларда вилоятимиз терма жамоасининг асосини университетимиз талабалари ташкил этади. Икки юз нафардан ортиқ йигит-қиз билан ҳафтасига олти кун машғулотлар олиб бориляпти. Улар орасидан юзга яқин талаба-спортчи саралаб олинади.

Катта спорт анжуманига тайёргарлик жараёнида қадимий ва навқирон Самарқанд янада чирой очмоқда, гўзаллашмоқда. Ишонаманки, «Универсиада — 2004» баҳслари иштирокчилар ва меҳмонлар қалбида унутилмас таассурот қолдиради.

**Аслам ҒУЛОМОВ, СамДУ жисмоний тарбия ва маданият факультети спорт педагогик фанларини ўқитиш услубияти кафедраси мудири**



## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!

Шу йилнинг 23 январидан бошлаб

# ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезде қатнови йўлга қўйилди.

Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳшингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.

Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечкурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.

Йўловчи поезде катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.

Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табияти ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.

| Поезд № | Маълумот            | Бошланғич манзилдан жўнаб кетин кун ва вақти | Бетгяланган манзилга етиб бориш кун ва вақти |
|---------|---------------------|--|--|
| 1.      | Тошкент — Самарқанд | 6:50 ҳар кун                                 | 10:50 ҳар кун                                |
| 2.      | Самарқанд — Тошкент | 17:00 ҳар кун                                | 21:00 ҳар кун                                |

Маълумотлар хизмати: 005, 199-72-15.

Векзал бўйича навбатчи: 199-72-16

Маъмур: 199-76-27.

## САФАРИНГИЗ МАРОҚЛИ ЎТСИН!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

### BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY ATI:

- Abdulla Oripov
- Asiddin RUSTAMOV
- Azimjon AYUPOV
- Aziz NOSIROV
- Ashur QODIROV
- Bobir ALIMOV
- Habib SA'DULLA
- Norbobo SHAKAROV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Andrey ORLOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- «Golos Uzbekistan»
- Nomoz SA'DULLAYEV
- Rahima HAKIMOVA
- Qo'lepbergen
- QAIPBERGENOV
- Abdug'ani
- MAMASODIQOV
- (Mas'ul kotib)

### MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

### BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot
- 133-44-55
- Ma'naviyat va ma'rifat
- 133-69-45
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
- 133-20-36
- Parlament va huquq
- 136-57-20
- Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
- 133-21-43
- Katlar va ommaviy ishlar
- 133-12-56 (Tel. Faks)
- Kotibiyat
- 133-72-83
- Reklama va e'lonlar
- 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

### VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-03-80
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 3-39-20
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-12
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

### MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Sohijon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifolovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 365

13069 nusxada bosildi

t — Gijorat materiali

Topshirish vaqti — 21.00.

Topshirildi — 22.30.

2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA